

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 17 сентябрь пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 186 (1967)


## ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**ҚУДДУС, 15 сентябрь. (ЎзА махсус мухбири Фарҳод АРЗИЕВ хабар қилади).** Бугун "Шоҳ Довуд" қароргоҳида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Музокараларда Ўзбекистон билан Исроил ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги, кимё, озиқ-овқат саноати, техник ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорлик борасида ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп экани таъкидланди.

Музокаралар якунига етгач, Президент Ислом Каримов билан Исроил Бош вазири Бенямин Нетаняҳу ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Унда томонларни қизиқтирган масалалар, хусусан, икки давлат ўртасидаги алоқалар, жумладан, ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда икки давлат ҳукуматлари ўртасида Икки томонлама солиқ солмаслик, фойда ва капиталга солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги Конвенция ҳамда Икки давлат ҳукуматлари ўртасида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ҳамда бошқа бир неча ҳужжатлар имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг матбуот анжумани ўтказилди. Унда икки томонлама музокаралар муваффақиятли ўтгани қайд этилди. Президент Ислом Каримов ҳамда Бош вазир Бенямин Нетаняҳу журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов Фаластин Мухториятининг Рамаллоҳ шаҳрига келди. Бу ерда Президент Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Сўнгра Ислом Каримов билан Фаластин Мухторияти раҳбари Ёсир Арафотнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Яқин Шарқдаги аҳвол, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот ниҳоясида Президент Ислом Каримов ва Фаластин Мухторияти раҳбари Ёсир Арафот бўлиб ўтган учрашув якуни бўйича қисқача баёнот бердилар.

Шу куни Ислом Каримов "Шоҳ Довуд" қароргоҳида Исроилдаги Меҳнат партияси етакчиларидан бири — Шимон Пересни қабул қилди. Умуман олганда, ташрифнинг иккинчи куни қизғин учрашувларга бой бўлди. Ислом Каримовнинг Исроилдаги ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашуви ҳам жуда сермазмун ўтди.

Оқшом мамлакатимиз раҳбари Исроилдаги Бухоро яҳудийлари жамияти вакиллари билан учрашди.

* * *

**ҚУДДУС, 16 сентябрь. (ЎзА махсус мухбири Фарҳод АРЗИЕВ хабар қилади).** Бугун мамлакатимиз раҳбари Эски Қуддусга ташриф буюрди. Бу ерда Ислом Каримов "Ал-Ақсо" масжидини зиёрат қилди ҳамда яҳудийларнинг муқаддас зиёратгоҳи — "Нола деворлари"ни бориб кўрди.

Шу куни Ислом Каримов Қуддусдаги "Зераим Гедера" қишлоқ хўжалик мажмуи, "Исроил авиация саноати" корпорациясида ҳам бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди.

Ислом Каримовнинг Исроилга уч кунлик сафари шу билан ниҳоясига етди. Айтиш мумкинки, мазкур сафар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янги поғонага кўтаради. Қуддусда бўлиб ўтган учрашувлар нафақат Ўзбекистон ва Исроил жамоатчилиги, балки бутун дунё давлатларида катта қизиқиш уйғотгани, шубҳасиз.

Бугун дунё ўзгараяпти, мезонлар ўзгараяпти. Тараққиёт калити сиёсий, диний, этник тарафкашлик эмас, балки курраи замин тинчлиги, мамлакатлар фаровонлигига хизмат қилувчи ўзаро тенглик асосига қурилган сиёсий-иқтисодий ҳамкорлик, халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи маданий алоқаларни ривожлантириш йўлини тутганлар қўлида экани тобора яққолроқ намоён бўлаяпти. Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг Исроилга ташрифи икки давлат миқёсида ҳам, қолаверса, минтақавий ва халқаро доирада ҳам катта эътиборга муносибдир.

**(ЎзА)**

## Олий Мажлисда учрашув

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Норвегия парламенти халқаро қўмитаси раиси Х.Бланкенборг бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан учрашди.

— Парламентимиз нисбатан қисқа давр ичида Европа давлатлари қонун чиқарувчи органлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйишга муваффақ бўлди, — деди Э.Халилов. — Шу жумладан, Скандинавия мамлакатлари парламентлари билан ҳамкорлик қилиш учун ҳам янгидан-янги имкониятлар очилмоқда. Олий Мажлис Норвегия парламенти билан ЕХҲТ доирасида ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Норвегия ҳам, Ўзбекистон ҳам Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти аъзосидир. Учрашувда таъкидланганидек, парламентлараро алоқалар ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этади.

Мулоқот чоғида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Норвегия парламенти халқаро қўмитаси раиси Х.Бланкенборг раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлиб, музокара ўтказдилар.

Учрашувларда Норвегиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Пер Тресселт иштирок этди.

**(ЎзА)**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Миллий байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган кун муносабати билан ўзимнинг самимий эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, бизнинг тенг вазмин муносабатларимиз бундан буён ҳам ривожланиб бораверади ва мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик халқларимиз фаровонлигига самарали хизмат қилади.

Жаноби Олийлари, Миллий байрам муносабати билан Сизга мустаҳкам соғлиқ ва масъулиятли ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром билан,

**АРПАД ГЁНЦ,**
**Венгрия Республикаси Президенти.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мен Миллий байрамингиз муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий қутловларимни йўллашни ўзимга шараф деб ҳисоблайман.

Давлатларимизни бирлаштириб турган ҳамкорлик ва аҳиллик ришталари дўстлик ҳамда бутун инсоният фаровонлиги йўлидаги ўзаро интилишларимиз туфайли тобора мустаҳкамланмоқда.

Мексика халқи ва ҳукумати номидан Ўзбекистон халқи ва ҳукуматига табрик изҳор этар эканман, Сиз Жаноби Олийларига камоли эҳтиромимни йўллайман.

**ЭРНЕСТО ЗЕДИЛИО ПОНСЕ ДЕ ЛЕОН,**
**Мексика Президенти.**

## БУЮК АЛЛОМАЛАР ЮБИЛЕЙИГА ҲОЗИРЛИК

***Шу кунларда мамлакатимизда, айниқса, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида буюк алломалар имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган тадбирларни юксак савияда ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.***

Самарқанд вилоятининг Челак туманида имом ал-Бухорий ёдгорлиги мажмуаси қурилиши жадал бормоқда. Бу ердаги Ҳадис маркази биноси қуриб битказилмоқда. Фарғона шаҳрининг асосий тантаналар ўтказиладиган марказий майдонида, унга туташ боғда ободонлаштириш ва қурилиш ишлари, фавворалар бунёд этиш юмушлари жадал бормоқда. Бугунга келиб Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали ўрнатишга тайёр қилиб қўйилди. Қува шаҳрида ҳам юбилей билан боғлиқ барча ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасида мазкур юбилейларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ташкилий қўмита аъзолари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда имом ал-Бухорий фаолиятига бағишланган халқаро илмий конференцияга ҳамда юбилей куни ўқиладиган жума номозига тайёргарлик юзасидан Диний ишлар бўйича қўмита раиси Ш.Мирмаҳмудов ва Ўзбекистон мусулмонлар диний идораси раиси, муфтий А.Баҳромовнинг ахборотлари тингланди. Аҳмад ал-Фарғоний юбилей иншоотларида қурилиш ишларининг бориши тўғрисида Фарғона вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Отабоев, ал-Фарғоний илмий фаолиятига бағишланган халқаро конференцияга тайёргарлик ҳақида Фанлар академияси вице-президенти М.Комилов маълумот берди. Аҳмад ал-Фарғоний юбилейи тантаналари байрам томошаси бош режиссёри Р.Ҳамидовнинг ахбороти тадбирнинг бадиий-техник тайёргарлиги қандай бораётгани, сценарий ва саҳналаштириш режалари тўғрисида бўлди.

Мажлисда икки буюк ватандошимизнинг юбилей тантаналари мамлакатимиздагина эмас, бутун дунёда катта қизиқиш уйғотаётганлиги таъкидланди. Ҳозирдаёқ ўттиздан ортиқ мамлакатдан юзга яқин меҳмон ташриф буюриш истагини билдирди. Шу боис, "Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни" ҳамда "Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросининг жаҳон фани тараққиётида тутган ўрни" мавзуларидаги халқаро анжуманларга янада пухта тайёргарлик кўриш, ушбу алломалар ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган китоблар чоп этишни жадаллаштириш масалаларига эътибор қаратилди. Юбилей билан боғлиқ ташкилий масалаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан тегишли идора ва ташкилот раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Н.Жўраев, А.Мансуров, Бош вазир ўринбосарлари Л.Аҳметов, Р.Юнусов, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов қатнашди.

**(ЎзА)**

### ПАХТА-98

## МАШИНА ТЕРИМИГА ЭЪТИБОР

***Тошкентдаги "Ўзқишхўжтаъминоттаъмир" давлат-кооператив қўмитасида пахта йиғим-терим кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг мажлиси бўлди.***

Комиссия Вазирлар Маҳкамасининг "1998 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарорига биноан тузилган.

Мажлисни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, Республика комиссияси раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда "Агромашсервис" бирлашмаси, "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компаниясининг маҳаллий бўлинмалари, шунингдек, мазкур компания корхоналари, "Ўздавнефтмаҳсулот", Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон "оқ олтин"и ҳосилини йиғиб-териб олиш билан шуғулланувчи бошқа корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этди.

"Ўзқишхўжтаъминоттаъмир" ва "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" раислари Б.Олимжонов ва Р.Матчонов ишнинг бориши ҳақида ахборот берди. Шунингдек, жойларда йиғим-терим техникаси ва механизмларини тайёрлаш, хўжаликларни эҳтиёт қисмлар ҳамда ёқилғи-мойлаш ва бошқа воситалар билан таъминлаш ҳақида ахборотлар тингланди.

Мажлисда асосий эътибор Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бажариш борасида йўл қўйилган айрим камчиликларга қаратилди. Бу камчиликлар табиий сабаблардан ташқари, терим, кўсак чувиш техникаси, транспорт воситалари ва бошқа зарур механизмларни тайёрлаш ишларининг орқага сурилиши оқибатида ҳам юз бермоқда. Шунинг учун Республика комиссияси қабул қилган қарорда тез кунларда жойларда техникани таъмирлаш ишларини якунлаш, бу ишнинг сифатли бажарилиши учун жавобгарликни ошириш, машина теримига ажратилган пахта далаларида ғўза баргини тўкишни юксак савияда ташкил этиш, барча техниканинг юқори унумдорлигига эришиш кўзда тутилган. Бунинг учун яхши жиҳозланган кўчма таъмирлаш устахоналарини тайёрлаш лозим.

Мажлис иштирокчилари таъкидлаганидек, ҳар бир мавсумнинг ўзига хос хусусият ва камчиликлари бўлади. Бу йил об-ҳаво ноқулай келгани туфайли пахта кеч очилмоқда. Бу ҳол юқори ҳосил олишнинг алоҳида стратегиясини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Пахтани қўлда териш кўнгилдаги натижани бермаслиги мумкин. Шунинг учун, ҳосилни механизация ёрдамида териб олишга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Республика комиссияси шуларни ҳисобга олган ҳолда вилоятлар, туманлар ва хўжаликларда машина терими ҳажми бўйича аниқ вазифаларни белгилашни тавсия қилди. Иш шундай ташкил этилсагина совуқ тушмасдан туриб, қисқа муддатда пахта ҳосилини йиғиб-териб, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

**(ЎзА)**

## МАҲСУЛОТЛАР КЎРГАЗМАЛАРИ

***Тошкентдаги Республика савдо-кўргазма маркази — "Ўзэкспомарказ"-да "Марказий Осиё: тўқимачилик ва чарм — 98" ва "Марказий Осиё: қурилиш — 98" халқаро кўргазмалари очилди.***



Маълумки, пахта етиштириш, ундан маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек, чармга ишлов бериш Ўзбекистонда ўзининг қадимий анъаналарига эга. "Буюк Ипак йўли"-нинг марказида жойлашгани боис юртимизда тайёрланган тўқимачилик ва кўнчилик маҳсулотлари дунёнинг кўпдан-кўп мамлакатларига етиб боргани тарихдан маълум. Тараққиёт сари дадил одимлар ташлаётган мамлакатимизда мазкур соҳаларни янада ривожлантиришга шу кунларда алоҳида эътибор берилмоқда. "Марказий Осиё: тўқимачилик ва чарм — 98" халқаро кўргазмасининг ташкил этилиши ҳам шу мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатлардандир.

Айтиш керакки, бу кўргазма Ўзбекистонда учинчи марта ўтказилмоқда. Унда Австрия, Буюк Британия, Германия, Италия, Япония, Чехия, Туркия каби мамлакатларнинг таниқли компаниялари иштирок этаяпти. "Тексита", "Ритер Текстайл Системс", "Юки", "Суперба", "Иточу корпорейшн" сингари фирмалар ўзларининг тўқимачилик ва чарм саноатида қўлланиладиган энг замонавий технологиялари ва ускуна-жиҳозлари билан бир қаторда, улар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларни ҳам намойиш қилмоқда.



Қувонарли томони шундаки, кўргазмага кўплаб хорижий компания ва фирмалар билан бир қаторда мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган турфа хил маҳсулотлар ҳам қўйилган. Истеъмолчилар ҳукмига ҳавола этилаётган бу қурилиш материаллари сифати жиҳатидан хорижникидан сира қолишмайди.

**СУРАТЛАРДА:** кўргазмадан лавҳалар. **Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА)** олган суратлар.

## БЕРУНИЙГА ЭҲТИРОМ

***Беруний шаҳрида Абу Райҳон ал-Беруний ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган халқаро симпозиум бўлиб ўтди.***

Унда Германия, Қозоғистон ва Қирғизистондан ҳам олимлар иштирок этди.

Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раиси Т.Камолов, ЮНЕСКОнинг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн ва бошқаларнинг маърузаларида буюк алломанинг бутун жаҳон фани ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, ал-Берунийнинг астрономия, геодезия, тиббиёт, фармакология, геометрия ва бошқа соҳаларда яратган 140 дан кўпроқ асари илм-фан учун ҳалиҳамон ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

**А. ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## САРА УРУҒ — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Республика ғаллачилик институтининг Ғаллаорол филиалида хорижий ҳамкорлар билан алоқа ўрнатишга, чет эл технологиясини жалб этишга жиддий эътибор берилмоқда. Айниқса, Германия техникавий ҳамкорлик жамияти ёрдамида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Яқинда филиалда серунум "СТ2-10 БейЗУ" қурилмаси ўрнатилди. Унинг ёрдамида ҳар кеча-кундузда 60 тонна дон сараланади.

Бу ерда ғалла уруғини саралайдиган ана шу комплекснинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Райнхарт Биндзайл сўзга чиқди.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

АЙЛАНАДИ СОАТ МИЛЛАРИ

ЧОРШАНБА ХАБАРЛАРИ

### ● ФАХР

## СИЗ ҲАМ КЕЛИНГ

*Юртимиз озод бўлгач, ўзимнинг энг эзгу орзу-ниятларимни амалга оширишга киришдим. Хўжаликдан ер олиб боғ яратдим. Ҳозир ўша дарахтлар "Ҳовдаг" даштига зеб, ҳусн бериб турибди.*

*Етти йил бурун эккан ўн уч гектарли олмазорнинг олди мевага кирганини кўриб, қандай хурсанд бўлганлигимни кўрсангиз эди. Пишиқчилик келган бугунги кунда унинг мевасини тотиб кўрдим. Бирам мазали, бирам мазали. Ҳечам бундай лаззатланган эмасман. Тўғри, ҳали боғнинг меваси оз, айрим дарахтларгина ҳосилга кирди. Аммо йиллар ўтиб тонна-тонналаб олма етиштираман. Насиб этса ундан қариндош уруғларим, қишлоқдошларим, қисқаси, ризқи қўшилган элдошларим баҳраманд бўладилар.*

*Очиғини айтсам, ўз қўлинг билан яратган боғнинг мевасидан олган роҳатдан кўра роҳат йўқлигини қайта-қайта айтгим бор. Яхшиси, сиз ҳам келинг, боғимнинг ширин шарбат мевасидан тотиб кўринг.*

**Й. АЛИҚУЛОВ,**
**Шаҳрисабз туманидаги "Ҳисор" жамоа ширкат хўжалигининг деҳқон-фермери.**

### ● БУ НИМА ГАП?

## УЛАРГА ИШОНМАЙДИЛАРМИ?

*Мен Афғонистонда хизмат қилганман. Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан, шаҳар транспортларида бепул юриш имтиёзига эгаман. Имтиёз ҳужжатим ҳам бор.*

*Бир куни шундай бўлди. Метронинг Мустақиллик майдони бекатида ҳужжатимни кўрсатиб ўтаётсам, назоратчилар тўхтатишди. Мумкинмас дейишди. Нега? — деб сўрасам, вкладиш (?)сиз шаҳар йўловчи транспортида бепул юриш тақиқланган, деб жавоб беришди. Қисқаси, паспорт ва ҳарбий билетни кўрсатиб, махсус қоғоз олиб келишим керак экан.*

*Қизиқ-а? Ахир қўлимда мудофаа ишлари бўлими берган ҳужжат бор-ку. Кимга керак шунча қоғозбозлик?*

**Н. РАҲМАТОВ,**
**Тошкент шаҳри.**

### ● ЙЎҒ-Э!

## ЎЗИ БИТТА, НОМИ ИККИТА

*Дейлик, Тошкент Архитектура институтида ишингиз бор. Топиб борган жойингизда ҳафсалангиз пир бўлиб, янглиш келиб қолдимми, деган хаёлга ботасиз. Сабаби, тўрт қаватли бино пештоқига ўқлоғдек ҳарфлар билан ТашПИ (бу Тошкент Политехника институти дегани бўлиб, у аллақачон Тошкент Давлат техника университети номини олиб, Талабалар шаҳарчасига кўчирилган) деб ёзиб қўйилган. Институтга кираверишдаги эшикнинг икки томонида кирилл ва лотин алифбосида «Архитектура-қурилиш институти» деган ёзув бор.*

*Энди бинонинг қайси номи тўғрилигини қоровулдан суриштирасизми, ўтган-кетган йўловчиданми, бу сизнинг ишингиз.*

**Н. АЛИМОВА.**

### ● КРИМИНАЛ

## ЎРНИДА ЎТИРОЛМАГАН ЎРИНОВ

*Душанбе-Москва поездининг вагонида, хаёллар оғушида кетаётган С. Ўринов вагонга кирган итдан чунонам чўчиб тушдики, гўёки ит шу дам уни тишлаб оладигандек эди. Буни қарангки, қорадорифурушларнинг сирини фош этавериб ўрганиб қолган Жерри яна бирор нарсани сезди шекилли, Ўриновнинг ўриндиқ остидаги сумкасини титкилай кетди.*

*Ҳай, савил қолгур-а, шу ишни ноўрин қилдим-да, дея қалтираётган Ўриновнинг сумкасидан 180 грамм энг кучли таъсир этувчи гиёҳванд модда "героин" ва 1 килограммдан зиёд гашиш топилгач, у ўрнида ўтиролмай қолди.*

*Сариосиё бекати ички ишлар ходимлари бу бангифурушнинг қўлига дарҳол кишан солдилар-у, унинг кирдикорларини батафсилроқ ўрганиш учун Термиз ИИБга кузатиб қўйишди.*

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85

Соат милларини Қ. ЭШМАТОВ кузатди.

**Бугунги кунда Россия бошидан кечираётган иқтисодий инқироз ва унинг атрофидаги гап-сўзлар, мазкур танглик Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига, хусусан Ўзбекистон иқтисодиётига таъсир этадими, деган муаммо фуқароларимизни қизиқтирмоқда. Мухбиримиз ана шу хусусдаги саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Файзулла МУЛЛАЖОНОВга мурожаат қилди.**

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

# ТАШВИШЛАНИШГА ЎРИН ЙЎҚ

**— Файзулла Мақсуджонович, бугунги кунда Россияда юз бераётган иқтисодий ва молиявий инқирознинг сабаблари нимада, деб ўйлайсиз?**

— Энг аввало, шуни таъкидлаш керакки, ушбу инқироз қисқа муддат ичида юзага келгани йўқ. Чуқур таҳлил қилиб қаралганда бунинг тарихи узоққа, яъни 1990-1991 йилларга бориб тақалади. Россияда мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг қисқа муддатларда ваучерлар орқали амалга оширилганлиги, ички молия ва валюта бозорининг тезкор суръатларда ислоҳ қилинганлиги, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш кенг кўламда четдан қарз олиш орқали шошма-шошарлик билан йўлга қўйилганлиги ҳамда бу жараёнларда давлатнинг ташаббусни ўз қўлига олмагани ва бош ислоҳотчи сифатида майдонга чиқмагани ҳозирги инқирознинг асосий сабабларидан биридир.

Ўтиш даврида Россия ҳукумати реал ишлаб чиқаришни ривожлантиришга етарли эътибор бермади. Ҳозирда кўпгина завод ва фабрикалар туриб қолган. Бунинг натижасида 1997 йилга келиб Россиянинг ялпи ички маҳсулоти 1991 йилга нисбатан бор-йўғи 64 фоизни ташкил этди, холос. Шу сабабли давлат бюджетига солиқлар ҳисобига тушадиган даромад ҳажми кескин пасайиб кетди ва бюджет тақчиллиги юзага келди. Бюджетнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича қарзи ҳаддан ташқари кўпайиб кетди.

Айни пайтда, шуни таъкидлаш лозимки, Россия ҳукумати ўтган даврларда олинган даромадга қараб харажат қилмади, яъни бюджет харажатлари даромаддан доимо юқори бўлди. Орадаги бу фарқ 1995 йилга қадар «қоғоз» пуллар, яъни товар билан таъминланмаган пулларни босиб чиқариш орқали қоплаб келинди. Шу билан бирга, бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун мамлакат ташқарисида ҳам, ичкарисида ҳам катта миқдорларда ва юқори фоизларда қарз олинишга зўр берилди. 1995 йилдан бошлаб эса ҳукумат ДҚМО (Давлат қисқа муддатли облигацияси) ва ФҚО (Федерал қарз облигацияси)ларни чиқариш орқали миллиардлаб қарз ола бошлади. Олинган қарзларнинг ҳажми йилдан-йилга ортиб борди. Айни пайтда қарз олиш шартлари ҳукумат учун жуда бефойда ва ўта қалтис эди.

Чунки мазкур шартларга кўра, у олган қарзини уч баравар ва баъзан ҳатто тўрт баравар қилиб қайтариши шарт эди. Бунинг оқибатида, Россия ҳукуматининг ички ва ташқи қарзлари ҳажми ортиб борди. Хусусан, биргина ДҚМО ва ФҚО бўйича йил охиригача 113 миллиард рубль ва 1999 йил охиригача 260 миллиард рубль қайтарилиши керак. «Труд» газетасининг ёзишича (1998 йил, 12 май; «Грозят ли России гиперинфляция и банкротство?»), Россия давлат қарзининг умумий миқдори 200 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган.

Россия ҳукумати бу қарзларни ва уларнинг фоизини тўлаш учун йилига давлат бюджетининг учдан бир қисмидан кўпроғини сарфламоқда. Жорий йилнинг ўрталарига келиб Россия ҳукумати мазкур қарзлар ва уларнинг фоизларини тўлашда муайян қийинчиликларга дуч кела бошлади. Буни сезган сармоядорлар бу қарз қоғозларидан, яъни ДҚМОлардан қутулиш учун уларни катта миқдорларда молиявий бозорда сота бошладилар. Сармоядорлар ўзларининг ДҚМОдан бўшаган рублларини валюта сотиб олишга йўналтирдилар. Россия Марказий банки рублнинг қатъий алмашув курсини сақлаб қолиш мақсадида ўзининг валюта резервларини сарфлай бошлади ва бу жараёнларда катта миқдордаги валюта резервини йўқотди. Шунингдек, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсатга ишониб ҳамда мўмай даромад олиш мақсадида ўз активларини ва жалб қилинган мижозлар маблағларини катта миқдорларга ДҚМО ва ФҚО сотиб олишга йўналтирган кўпгина йирик тижорат банклари ҳам мижозлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажара олмай қолдилар. Бунинг натижасида бугунги кунда банк тизимида беқарорлик юзага келди.

Вазият назоратдан чиқиб кетаётганлигини кўрган Россия ҳукумати ва Марказий банки 17 августда маълум баёнот билан чиқди. Лекин ушбу баёнот вазиятни янада кескинлаштирди. Чунки, ҳукумат амалда ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортган эди.

**— Россиядаги иқтисодий инқироз бошқа давлатларга, хусусан Ўзбекистон иқтисодиётига таъсир қилиши мумкинми?**

— Россияда ҳукм сураётган чуқур иқтисодий ва молиявий инқироз Ўзбекистон иқтисодиётига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсата олмайди. Чунки, биринчидан, биз хорижий давлатлар билан барча савдо-сотиқ муносабатларини фақат эркин айирбошланадиган валюталарда олиб борамиз. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан бўладиган умумий савдо ҳажмида Россиянинг улуши бор-йўғи 15-17 фоизни ташкил этади, холос. Учинчидан, биз Россиядан озиқ-овқат маҳсулотлари эмас, балки ишлаб чиқариш воситалари сотиб оламиз. Тўртинчидан, бизнинг тижорат банкларимиз ўзларининг ваkиллик ҳисоб-китобларини миллий валютамиз муомалага киритилган пайтдан бошлаб МДҲ давлатларидаги банклар билан ҳам, узоқ хориждаги банклар билан ҳам фақатгина эркин айирбошланадиган валюталарда амалга оширмоқдалар. Уларнинг активларида Россия рублидаги маблағлар йўқ.

Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, Россияда юз берган иқтисодий ва молиявий инқирознинг МДҲдаги айрим давлатларда бўлгани каби республикамизда жиддий оқибатларни келтириб чиқармаганлигининг асосий сабаби — танлаган йўлимизнинг тўғрилигидир.

Мамлакатимиз ўз олдига буюк мақсадларни қўйиб, иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Хусусан, мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш имкониятларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда мулкчилик шаклларини ўзгартириш — корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида катта иш олиб борилди. Мавжуд валюта захираларидан оқилона фойдаланиш ва уларни тўлдириб бориш учун импорт ўрнини босадиган экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш сиёсати юритилди. Чунончи, нефть мустақиллигига эришиш энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжини қоплабгина қолмасдан, балки уларни экспорт қилишни ва, ўз навбатида, республикага валюта маблағлари келиб тушишини таъминлади. Экспортга мўлжалланган янги ишлаб чиқариш соҳаларига инвестиция сарфлаш, хусусан, Асака шаҳридаги автомобиль заводи, маҳаллий хомашёни қайта ишлайдиган қўшма корхоналар ва бошқа қурилишларни молиялаштириш экспорт таркибини сифат жиҳатдан яхшилаш имконини берди. Ҳозирги пайтда экспорт таркибида қайта ишланган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар борган сари катта ўрин эгалламоқда. Бошқача қилиб айтганда, пул маблағлари давлатимиз иқтисодиётини таркибий жиҳатдан янгилашга хизмат қиладиган ишлаб чиқариш манбааларини ривожлантиришга сарфланмоқда.

**— Маълумки, Россиядаги молиявий инқироз биринчи навбатда тижорат банкларининг ликвидлигини чеклаб қўйди ва тўлов тизимини издан чиқарди. Шу сабабли сиздан мамлакатимиз тижорат банкларининг молиявий аҳволи ҳақида ҳам маълумот беришингизни сўрардим.**

— Жуда тўғри. Россиядаги инқироз биринчи навбатда банк тизимига салбий таъсир қилди, уларнинг ликвидлигини чеклаб қўйди ва тўлов тизимини издан чиқарди. Бунинг асосий сабаби, юқорида таъкидлаганимдек, тижорат банклари молиявий активларининг 30-35 фоизи ДҚМОдан иборатлигидир. Россия ҳукумати бу қарзларни қайтаришдан бош тортгандан сўнг банклар жуда оғир аҳволга тушиб қолди. Чунки улар ўзларининг ликвидлиги энг юқори бўлган маблағларини давлатга ишониб, ДҚМОга сарфлаб қўйган эдилар. Бу маблағларнинг катта қисми аҳолидан жалб қилинган омонатлар эди. Шундай қилиб, асосий оғирлик яна оддий аҳолига, яъни омонатчилар зиммасига тушди. Жаҳондаги энг нуфузли иқтисодий нашрлардан бири бўлган «Экономист» журналининг маълумотларига кўра, инқирознинг дастлабки икки ҳафтаси мобайнида рублдаги жамғармалар ҳажми 25 миллиард АҚШ долларидан 12 миллиардга тушиб қолди.

Хўш, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг молиявий аҳволи қандай? Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамиз Президенти И. А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили, яъни иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, қонун устуворлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, кучли ижтимоий сиёсат юритилиши ва бозор иқтисодиётига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш тамойиллари республикамиз банк тизими учун дастуриламалдир.

Айнан ана шу тамойиллар ва амалдаги қонунчиликка таянган ҳолда республика Марказий банки тижорат банклари фаолияти устидан назоратни халқаро андозалар даражасида амалга оширмоқда. Ушбу назорат биринчи навбатда омонатчилар, акциядорлар ва банк мижозларининг манфаатларини ҳимоялашга қаратилгандир. Тижорат банкларининг ўз мажбуриятларини бажара олиши, барқарор ликвидликка эга бўлишини таъминлаш мақсадида улар фаолияти устидан турли хилдаги иқтисодий норматившар орқали кундалик мониторинг ўрнатилган. Ҳар бир тижорат банки томонидан жалб қилинган маблағларнинг қандай активларга йўналтирилганлиги Марказий банкнинг махсус департаментлари томонидан ҳар куни кузатиб борилади. Тижорат банкларида кучли ички банк назоратини амалга ошириш билан биргаликда улар фаолияти Президентимизнинг «Банк аудити тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, жаҳонга машҳур «Артур Андерсен», «Делойт энд Туш», «Куперс энд Лайбранд», «Кей Пи Эм Жи» ва «Эрнест энд Янг» каби нуфузли аудиторлик компаниялари томонидан доимий равишда аудиторлик текширувларидан ўтказилиб турибди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг маблағлари асосан реал ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилганлиги, уларнинг давлат қарз қоғозларига йўналтирган маблағлари миқдори жами активларининг атиги 2-3 фоизини ташкил этиши ҳамда давлат бюджетининг тақчиллиги бутун дунёда қабул қилинган миқдордан, яъни ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизидан ҳам кам эканлигини ҳисобга олган ҳолда шуни айтишим мумкинки, республикамизда аҳоли жамғармалари ва инвесторларнинг манфаатлари тўлиқ ҳимояланган. Тижорат банкларимизнинг молиявий аҳволи анча барқарор.

# ЧЕХИЯЛИК ҲУҚУҚШУНОСЛАР ТАШРИФИ

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Чехия Республикаси Конституциявий суди раиси ўринбосари Милош Холечек бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Баҳодир Эшонов билан учрашди.**

Учрашувда ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролар жамияти қуришда ҳар иккала мамлакат конституциявий судларининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Учрашувда ҳар иккала мамлакат конституциявий судлари ўртасидаги алоқаларнинг келгуси ривожи ҳамда Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлашда конституциявий судларнинг ролини ошириш масалаларида ўзаро фикрлашиб олинди.

Шу куни Чехия Конституциявий суди раиси ўринбосари М. Холечек бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ҳам бўлдилар. Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Бўритош Шодиева билан бўлиб ўтган учрашув чоғида ўзаро ҳамкорлик истиқболи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувларда Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Б.Копецки иштирок этди.

(ЎзА)

## Удумларимиз

# ШУНДАЙ «ҚОВУН САЙЛИ» БЎЛДИКИ...





Вилоятда кейинги бир неча ўн йилликлар ичида «Қовун сайли» бўлмаган эди. Бу йил шу «анъана» бузилди. Яқинда вилоят маркази — Гулистонда ана шундай ажойиб тадбир ўтказилди.

— Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган «Қовун сайли» мустақиллигимизнинг етти йиллик байрами тантаналарига уланиб кетди, — дейди вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари — вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Аҳатқул Пиримқулов. — Сайлда вилоятимизнинг тўққизта тумани вакиллари иштирок этишди. Сайл қатнашчилари Сирдарёда етиштирилган, маҳаллий шароитга мослашган қовуннинг 35, тарвузнинг 20 турини кўриб, уларни татиб кўрдилар. Тилими тилни ёради бу қовун-тарвузларнинг.

Мустақиллик қўлга киритилгач, барча соҳага, шунингдек, полиз ва сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳам муносабат ўзгарди. Ана шундан кейин, таъбир жоиз бўлса, Сирдарё қовунларига ҳам маза кира бошлади. «Оқуруғ», «Асади», «Оби новвот», «Мирамир» навли қовунларнинг маҳаллий шароитга мослашган навлари кўпайди. Қаранг, «Қовун сайли»да иштирок этган Бойир Мисралиев, Абдуқаҳҳор Абдуқодиров, Маҳмуд Эшонқуловлар етиштирган қовунларнинг ҳар бири 12-15 килограммдан тош босди. Таъми эса сайл қатнашчиларининг тилидан кетган эмас. Айниқса, «Лимон-қовун» нави кўпчиликнинг эътиборини тортди. Унинг катталиги худди лимондай. Жуда борса пиёладай бўларкан, аммо мазаси... қўйинг, оғзингизни сувини қочирмай...





Боёвутлик Худойберди бобо Шербековнинг ёшлари етмишдан ошган бўлса-да, улар фарзандларига бош бўлиб қовун-тарвуз етиштирадилар. Шу куни отахоннинг меҳмонлари кўп бўлди. Улар сайл иштирокчиларига қовун сўйиб чарчамадилар.

«Қовун сайли»да Калифорния штатида ўтган йили қовун етиштириб, америкаликларни лол қолдирган сирдарёлик Абдувоҳид Очилов билан ҳамсуҳбат бўлишга ошиққан деҳқонлар кўп бўлди. У Мирзачўлнинг «Оқуруғ» қовунини океан орти халқи севиб харид қилганини гапириб адо қилолмасди. «Бу йил сирдарёлик деҳқонларни Флорида штатига таклиф қилишди, — дейди ғурурланиб у, — саккиз нафар юртдошимиз ҳозир ўша ерда»...

Отахон деҳқонларнинг суҳбатига қўшиламан. «Қовуннинг уруғида гап кўп, — дейди улардан бири. — Қовунни еб, уруғини қуритиб, бир идишга солиб, келаси йили экишнинг ўзи бўлмайди. Ота-боболаримиз уруғни шундай сақлашган: уруғ ўша қовуннинг пўчоғида, сояда қуритилган. Кейин мўъжазгина халтачага солиниб, қўлтиққа осиб юрилган. Беданавозлар беданаларини қўлтиқда олиб юрадилар-ку, ўшандай қилиб. Бундай иш тутишнинг сабаби шундаки, тананинг ҳарорати ҳамиша бир хил бўлади. Шунинг учун иссиқ ҳам, совуқ ҳам уруғга таъсир қилмайди. Уруғ айнимасин десак, шундай иш тутишимиз керак...»

«Қовун сайли» кечгача гавжум бўлди. Дарвоқе, деҳқонларнинг меҳнатига баҳо берувчи нуфузли комиссия ҳамма томонини ҳисобга олиб биринчи ўринни Оқ олтин тумани деҳқонларига берди. Иккинчи ўрин боёвутликларга, учинчиси сирдарёликларга насиб этди. Уларга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Ортиқ СУЛТОНОВ.**

**Суратларда: қовун сайлидан лавҳалар. Рифат ЖАПАРОВ туширган тасвирлар.**

# ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Тошкентда Халқаро Олимпия қўмитаси шафелигида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси томонидан ташкил этилган гимнастика бўйича халқаро семинар ўз ишини бошлади.

Семинар иштирокчилари гимнастикадаги мавжуд муаммолар, спортчиларнинг халқаро мусобақаларга тайёрланиш жараёни, халқаро турнирларни ташкил этиш ҳамда гимнастикачиларнинг халқаро мусобақалардаги қатнашувини баҳолаш мезонларининг долзарб муаммоларини кўриб чиқадилар.

Семинарда олимпиада ҳаракатининг мақсад ва тамойиллари, шунингдек, спортда маркетингни қўллаш, ўринбосарлар тайёрлаш, ёш гимнастикачиларни танлай билиш ҳамда уларнинг спортда эришаётган ютуқларига алоҳида эътибор бериш масалаларига ҳам жиддий эътибор берилади.

— Семинар мамлакатимизда олимпиада ҳаракатини самарали ривожлантириш йўлларини излаш, бу борада миллатни соғломлаштириш ва фуқароларимизни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш борасидаги давлат даражасига кўтарилган ишларимизни янада такомиллаштиришга жуда катта кўмак беради, — дейди Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти Собир Рўзиев.

Семинар уч кун давом этади.

(ЎзА)

«ЎЗБЕКНАВО»
ГАСТРОЛ-КОНЦЕРТ БИРЛАШМАСИ
«ТУРКИСТОН САРОЙИ»
КОНЦЕРТ МАЖМУАСИ
болалар учун «Янги йил» театрлаштирилган томошасининг сценарийси учун танлов эълон қилади.
Ғолиб сценарийларга пуллик мукофот берилади.
Сценарийлар 15 октябргача қабул қилинади.
Мурожаат учун телефон: 137-60-91

Ташкилот олдиндан пул ўтказиш йўли билан маккажўхори ва буғдой донини катта миқдорда сотиб олишга шартномалар тузади.
Тел.: 139-47-55; 139-17-76.
Факс: 139-47-60.

## НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ

# АДАБИЁТ, СИЁСАТ,

**Президентимиз Ислом Каримов «Тафаккур» журнали саволларига берган жавобларида, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Истиқлол ва маънавият» ва бошқа қатор асарларида, жумладан, адабиёт ва санъатнинг энг долзарб масалаларига доир, яъни адабиёт, санъат ва сиёсат, ғоявийлик ва ижодкор позицияси, жамият олдидаги бурч, ижод эркинлиги каби муаммоларни кўтариб чиқиб, улар ҳақида теран, чуқур ва асосли фикр-мулоҳазаларини айтдилар.**

Маълумки, юқоридаги масалалар ҳар доим ёзувчилар, адабиётчилар, санъатшунослар, сиёсатчилар, мафкурачилар эътиборини тортиб келган. Советлар даврида адабиёт ва санъат коммунистик партиянинг ўткир қуролига айлантирилган, унинг ҳимоячиси ва маддоҳи бўлиб қолган эди. Коммунистик партия бадиий ижодкорлар эркини, ҳуқуқини, онги ва қалбини ўз таъқибига олган эди. Коммунистик партия чизиғидан заррача чиқишга уринган, ҳатто ўз ўтмишини, миллий ватанини мақташга ва ўзлигини ифодалашга уринган ижодкорлар шафқатсизларча танқид қилинар, миллатчига чиқарилар ва қатоғон этилар, ҳатто отиб ташланар эди. У вақтдаги «ижод эркинлиги» мана шундай сохта, ёлғон эркинлик эди.

Миллий мустақилликка эришганимиздан кейин адабиёт ва санъатимиз коммунистик партиянинг, умуман ҳар қандай партиянинг кишанидан халос бўлди. Энди адабиёт ва санъатни фақат бадиий юксаклиги, инсоннинг руҳий оламини ўрганишда ва инсон орқали замон, тарих моҳиятини очишда эришилган бадиий кашфиёт нуқтаи назаридан баҳолаш қоида қилиб олинди.

Бу деган сўз адабиёт ва санъатнинг сиёсат ва мафкура билан иши йўқ дегани эмас. Дарвоқе, ҳозир баъзи одамлар энди адабиёт сиёсатга, мафкурага аралашмаслиги керак, ғоя ва ғоявийлик деган мезоннинг замони ўтди, дейишади. Бу фикр мутлақо тўғри эмас. Адабиёт ва санъат — сиёсат, мафкура қуроли эмас, бу тўғри. Лекин сиёсат билан, мафкура билан боғланмаган адабиёт ва санъат дунёда йўқ, бўлган тақдирда ҳам унинг на инсонга ва на жамиятга кераги бўлмайди. Агар сиёсат, ҳукмрон мафкура халқ манфаатини ҳимоя қилса, ҳақиқатни тарғиб этса, тарихнинг олға ҳаракати ва илғор ғояларни қўллаб-қувватласа, инсонпарвар, халқпарвар, чин демократик давлатни қуриш учун курашса, адабиёт ва санъат, албатта, бундай сиёсатни, бундай мафкурани ёқлайди ва унга кўмак беради, Шу ерда ижоддаги бир нозик ҳолатни унутмаслик лозим бўлади, даҳо ижодкорлар ўз замонидан ўн йиллар, ҳатто асрлар олдинга, келажакка илгарилаб кетади, инсонни, ҳаётни, воқеликни буюк идеаллар мезони билан ўлчайди ва ўша келажакка чорлайди. Бундай ижодкорларни пайғамбарга бежиз ўхшатмайдилар. Бундайларни ўз замонининг сиёсати ва мафкурасига зид йўл тутди, дейиш ўта жўнлик ва гўллик бўлур эди. Сўнгра инсон табиати ва кишилик жамиятида шундай қусурлар, нуқсонлар борки, улар ниҳоятда яшовчандир, шу туфайли санъат пайдо бўлибдики, бундай иллатларга қарши курашиб келади.

Адабиёт ва санъатни сиёсат ва мафкурага алоқаси бўлмаслиги керак, деювчилардан сўрайлик. Хўш, Чўлпон ва Фитратнинг қайси асари сиёсат ва мафкурага алоқаси йўқ эди!? Фитратнинг «Абулфайзхон» ёки «Миррих юлдузига», Чўлпоннинг «Халқ», «Бузилган ўлкаға» асарларининг сиёсатга алоқаси йўқмиди!? Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романида муҳаббат эрки масаласи билан бирга одил шоҳ, одил ҳукмдор ва фозил жамият қуриш ғоясини — Форобий ва Навоийлар тарғиб қилган орзу-армонни ифодаламадими? Улар миллий мустақиллик ғоясини байроқ қилиб ижод этганлари учун ҳам қатл этилган эдилар-ку! Навоийдек буюк шоир ва вазир: «Давр бевафоларининг жабридан дод! Ва замон беҳаёлари зулмидан фиғон ва фарёд!» деб замонидан дод-фарёд этиб ўтди. Гарсиа Маркес: «Менинг ҳаётимда бирор уриниш йўққи, у сиёсий иш билан боғланмаган бўлсин... Кимки одил жамият қуриш учун дунёни ўзгартирмоқчи экан, тарғиботчи бўлиши керак», деб таъкидлайди. Бундай иқрор фикрларни жаҳоннинг яна ўнлаб ёзувчиларидан келтириш мумкин. Ҳаммаси санъаткорнинг инсон, жамият ва тарих олдидаги буюк бурчини бир овоздан эслатмоқдалар. Йўлбошчимиз Ислом Каримов **«Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга»** эканлигини жуда тўғри таъкидлаб, фикрини ривожлантириб дейдики: **«Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин».**

Демак, бадиий адабиёт ва санъатнинг материали, мавзуси, мақсади, нияти — инсон ва уни ўрганиш, унинг бахт-саодати учун курашиш экан, бу дегани хилма-хил томирлар орқали жамият, тарих, мавжуд тузум, унинг сиёсати ва мафкураси билан жипс боғланган инсон ҳақида фикр юритиш деганидир. Инсон ҳеч қачон борлиқда муаллақ яшамайди. Президентимизнинг ўринли таъбири билан айтганда: **«Одам ўз табиатига кўра ижтимоий ҳодисадир».**

Советлар даврида фақат рус адабиёти, санъати ва маданияти кенг тарғиб этилиб, бошқа — «кичик» халқларнинг миллий анъаналари, миллий маданияти, миллий ўзига хослиги, миллий урф-одатлари ва тили кескин чеклаб қўйилган эди. Натижада миллий адабиётлар ўзлигини, миллий жозибасини йўқотиб қўйди. Биз «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётидаги роман жанрини типологик ўрганиш» (1991) деган йирик монография яратиш жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, бу халқлар адабиётидаги айрим тарихий романларни («Ўтган кунлар, «Навоий», «Обой», «Қуллар» ва Ч.Айтматов асарларини) эътиборга олмаганда, кўпчилик романларнинг мазмуни, ғояси, қаҳрамонлари, сюжет ва конфликтлари икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаб қолган, миллий қиёфасини йўқотган эди. У пайтларда Ғарб, умуман жаҳон адабиётидан ўрганиш атайин чеклаб қўйилган ва фақат рус адабиётидан ўрганиш, намуна олиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган эди. Рус адабиёти ижодкорларимиз маҳоратининг чархланишида маълум даражада кўмак берган бўлса-да, улар асарларимиздаги ўзбекона руҳнинг, миллий жозибанинг чуқурлашувига халақит берди ва аксинча, русча ҳаёт тарзи, русча тафаккур ва русча характернинг кириб келишига катта йўл очди.

Президентимиз Ислом Каримов адабиёт ва санъатимизнинг, маданиятимизнинг ривожи, порлоқ эртаси хусусида сўзлаганда ҳамда амалий фаолиятида ҳар доим ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларга суянишни таъкидлайди. **«Ўзбек халқи руҳининг тикланиши, миллат маънавий-ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир»,** деб уқтиради.

Худди шу ғоялар давлатимизнинг миллий мустақиллик давридаги адабиёт ва санъатга нисбатан муносабатининг асоси бўлди. Ўтмишдаги барча даҳоларимиз мероси ва руҳи улуғланмоқда, айни чоқда Президентимизнинг шўролар давридаги адабиёт, маданият вакиллари тақдирига ҳалол, одил муносабати маданиятимиз тараққиётида катта аҳамият касб этмоқда. Беҳбудий, А. Қодирий, Фитрат, Чўлпон меросининг ардоқланиши бадиий тафаккуримиз ривожига зўр туртки бўлиб хизмат этмоқда. Ёзувчилар билан бўлган учрашувда мамлакат раҳбари, жамиятимиз тараққиётида сизлар «энг асосий етакчисиз», деб ижодкор шахсини юқори баҳолади. **«Сизларнинг меҳнатингиз,** — деди Ислом Каримов, — **ҳар бир каломингиз зарур, чунки у маънавий озиқ деган гап. Ажойиб шеърларни ўқиганингизда қандайдир ғурур, ифтихор туйғуси пайдо бўладики, одам ўзини ҳам руҳан, ҳам жисмонан ҳар нарсага қодир ҳис этади».** Бу ерда санъатнинг ижтимоий бурчига, жамият, тарих ва келажак олдидаги буюк хизматига ҳалол баҳо берилмоқда.

Инсон, халқ, жамият, тарих ва ижтимоий тараққиёт манфаатларига зид нарсаларни, масалан, зулмни, адолатсиз урушни, миллатчиликни, босқинчиликни, ахлоқий бузуқликни тарғиб этиш ҳақиқий ижод эркинлигига мутлақо алоқаси йўқдир. Юртбошимиз бу хусусда ўзининг аниқ ва тўғри қарашини билдириб, бундай дейди: **«Санъатда ошкораликни пеш қилиб, телевизор, кино экранларида, матбуот воситаларида бўлмағур лавҳаларни акс эттириш, бемаънилик ва ҳаёсизликни, баъзан эса ҳатто ахлоқий бузуқликни тарғиб қилишлар кўриниб қолди... Жамиятимизнинг инсонийлик ва ахлоқий ақидаларини поймол қилувчи ана шу тажовузкорликка қарши қаттиқ туриш лозим».**

Демак, ҳамма гап ижодкорнинг нияти, нуқтаи назари, кўз қарашига боғлиқ. «Кимнинг қараши тўғри бўлса, ўша ҳақ», деган эди Навоий. Чиндан ҳам ёзувчи дунёқараши унинг ижодининг ғоявий асосини — тарихни, замонни, жамиятни, воқеликни ва инсонни, ҳозирги жараёнларни қандай, қайси жиҳатдан кўриши, идрок этиши, тушуниши, баҳолаши, бадиий талқин қилишини белгилайди. Бу дунёқарашнинг асил моҳияти ёзувчининг онги, шуури, ҳиссиёти, иродаси, билими, тажрибаси ва айниқса имон-эътиқодига боғлиқ. Навоий айтганидек, **«ҳамма нарсага ёмон кўз югуртирган одам асал ўрнида ҳам заҳар кўради».** Ижодкорнинг сиёсий, мафкуравий, фалсафий, ахлоқий, диний ва эстетик қарашлари асарларининг мағзида, руҳида, оҳангида ётади. Миллий мустақиллик мафкурасини қалбига сингдирган ижодкоргина мамлакатимиздаги янги жамият қуриш жараёнларини, келажаги буюк давлат сари бўлаётган шиддатли ҳаракатларни ҳаққоний акс эттириши мумкин.






ТЕННИС

# ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ: ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Пойтахтимиздаги "Юнусобод" теннис мажмуида Президент Кубоги халқаро мусобақаси ўзининг муҳим босқичига етиб келди. Ўтган уч кун мобайнида саралаш мусобақаси ҳамда Кубок тақдирини ҳал қиладиган бир неча учрашувлар ниҳоясиға етди. Саралаш баҳсларида ҳамюртларимиздан ўн нафар спортчи қатнашди. Бироқ уларнинг бирортаси ҳам асосий босқичга кўтарила олмади.

14 сентябрь куни ҳамюртимиз Темур Ғаниев россиялик Марат Сафинга қарши кортга чиқди. Ушбу учрашувда эндигина 18 ёшни қоралаган, дунёда машҳур ракетка устаси саналадиган Марат Сафиннинг маҳорати баланд келди ва дастлабки ғалабасини қўлга киритди. Навбатдаги кунда Президент Кубогининг энг номдор қатнашчилари саналган Евгений Кафельников, Марк Россе, Тим Хинмен сингари теннисчилар ҳам нимага қодир эканлигини тўла намойиш этдилар. Швейцариялик Марк Россе финляндиялик рақиби Томас Китолани 7/6, 7/5 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, Кафельников Германиядан ташриф буюрган Мартин Зиннерни мағлуб этди — 6/4, 6/2.

Ўтган йилги Президент Кубоги мусобақасининг ғолиби Тим Хинмен исроиллик Велгреенни 6/1, 6/4 натижа билан осонликча ўйинлардан чиқариб юборди. Хуллас, асосий босқичда қатнашаётган 32 теннисчидан 16 таси мағлуб бўлди. Қолган 16 таси эса ўйинларни янада давом эттириш имкониятига эга. Ҳамюртларимиздан Вадим Куценко ҳамда франциялик Седрик Пиолен ўртасидаги баҳс 6/3, 6/3 натижа билан Пиоленнинг фойдасига ҳал бўлди. Яна бир юртдошимиз Дмитрий Томашевич Европада энг кучли теннисчи саналадиган франциялик Николас Эскудега 6/3, 6/3 ҳисобида бой берди. Ўзбекистоннинг биринчи ракеткаси саналадиган Олег Огородов исроиллик Харел Леви билан дастлабки икки сетда тенгма-тенг кураш олиб борди. Маълумки, Харел саралаш мусобақаларида ҳам иккита муҳим ғалабани қўлга киритган эди. Олег билан бўлган учрашувнинг учинчи сетида унинг қўли яна баланд келди. Ҳисоб — 6/4, 3/6, 6/3. Шундай қилиб, бешинчи бор ўтказилаётган Президент Кубоги халқаро мусобақасининг дастлабки натижалари маълум бўлди. Шунингдек, бу йилги ғолибни аниқлашга ҳам жуда қисқа вақт қолди. Яна уч кундан сўнг бешинчи ғолибнинг номи аниқ бўлади.

**Нормурод МУСОМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**Ўз мухбиримиз В. ПОРТНОВ ва А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**


Теннис бўйича
Президент Кубоги
мусобақаси давомида
ҳар куни БЕПУЛ
ўтказиладиган MATCH-IT
лотерея ўйинларида қатнашиб,
ҒАРОЙИБ СОВҒАЛАРНИ
ЮТИБ ОЛИНГ !
Сиз теннис қоидасини билмасангиз ҳам ғолиб бўласиз.
Марҳамат, ўзингизни синаб кўринг
14-19 сентябрь. Юнусобод.
Расмий ҳомий Nestlé
1002



«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
Л. СПИРИДОНОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65;
*Қишлоқ хўжалиги* — 136-37-85
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60, 132-10-65;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00001
Буюртма Г — 0329,
27353 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — А. ЖЎРАЕВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 21.30*
1 2 3 4 5 6



Fairtrade - Олмониянинг кўргазмалар ташкилотчиси Сизларни таклиф этади.

Construct Central Asia 98

**1998 йил 15 - 18 сентябрь**
**Ўзбекистон, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 107,**
**«Ўзэкспомарказ»**
Иш вақти: 9.00 - 17.00

**Мутахассислар билан учрашиш имкониятини қўлдан бой берманг.**
Жаҳоннинг пешқадамлари ўзларининг янги технология ва маҳсулотларини намойиш этадилар.

Қурилиш машина ва ускуналари соҳасидаги Ferrostaal, Wirtgen, Vogele, Manitou, Potain, иситиш ва вентиляция соҳасидаги - Viessmann, Baltur, қурилиш жиҳозларини ишлаб чиқариш бўйича Black & Decker, эшик ва ромлар ишлаб чиқариш бўйича Rehau, Urban, Pakpen каби етакчи фирмалар Сизларни олқишлайди.

Марказий Осиёда 2-маротаба бўлиб ўтадиган қурилиш индустрияси ва материаллари, маиший техника, уй учун ички жиҳозлар ва маҳсулотлар халқаро кўргазмасига ташриф буюринг!

**«Construct Central Asia 98» кўргазмасига рўйхатга олиш анкетасини топширинг ва лотереяда иштирок этинг !**

Амир Темур метро бекатидан «Ўзэкспомарказ» бўйлаб ҳар 20 дақиқада тезюрар автобуслар қатнайди.

**Ташкилотчилар:**
fairtrade
Fairtradeнинг Тошкентдаги офиси: Амир Темур кўчаси, 107, 3-павильон
Тел.: (3712)345495
Факс: (3712)344460

UZEXPOCENTRE
Амир Темур кўчаси, 107, 700084, Ўзбекистон, Тошкент.
Тел.: (3712) 34-45-45, факс: 35-83-30.
859-В



Акциядорлик биржа банки
"ТРАСТБАНК":
ишонч амалий далилларга асосланади

*Банк мижозлари ўз омонатларини нафақат сўмда, балки эркин муомаладаги валютада сақлаб ва кўпайтириб боришлари мумкин. Банк ўз мижозлари ва корреспондентлари операциялари, ҳисоб рақамлари ва маблағлари бўйича сир-асрорни кафолатлайди ва омонатларда бор бўлган маблағларни ўз вақтида, мижозларнинг илк талаби билан берилишини таъминлайди. «ТРАСТБАНК» акциядорлик биржа банкида Сизни ҳар томонлама ўйлаб чиқилган, тартибли, ишонч ҳосил этадиган ва сансалорликни мустасно этадиган хизмат кўрсатиш кутмоқда.*

АББ "ТРАСТБАНК"
Сизнинг гуллаб-яшнашингизни истаймиз !
LL@986



«МАҲАЛЛА»
ПУЛ ЮТУҚЛИ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ ТИРАЖИ
1998 ЙИЛ 24 СЕНТЯБРДА ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛАДИ.
*Лотерея билетлари Халқ банкининг барча бўлим ва бўлинмаларида, маҳаллалар ва газета дўконларида сотилмоқда.*
Битта 50 сўм. билет баҳоси
Ютуқлар юз сўмдан миллион сўмгача!
Барчангизга омад тилаймиз!
343



SQB
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!
СЕРҚУЁШ ЮРТИМИЗНИНГ МУҲТАРАМ МЕҲМОНЛАРИ!
ЭНГ УНИВЕРСАЛ БАНК ҲИСОБЛАНМИШ ЎЗБЕКИСТОН АКЦИОНЕР-ТИЖОРАТ САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИ

*сиз, азизларга ўз хизматларини таклиф этишдан ғоят мамнунлигини изҳор этади ва аҳолидан миллий валюта "сўм"да ва бошқа чет эл валюталарида жамғармаларга маблағларни республикамизнинг барча вилоятларининг 47 та бўлимида жойлашган 167 та жамғарма кассаларида омонатларни чегараланмаган миқдорда қабул қилади.*

БАНК СИЗНИНГ САРМОЯЛАРИНГИЗ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ СИР САҚЛАШНИ ВА СИЗНИНГ БИРИНЧИ ТАЛАБИНГИЗ БИЛАН ҚАЙТАРИБ БЕРИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

БАНК МАВЖУД БЎЛГАН 10 ТУРДАГИ ОМОНАТЛАРНИНГ СИЗ ИСТАГАН ТУРИГА САРМОЯЛАРИНГИЗНИ ЖАЛБ ҚИЛИБ, КЎПАЙТИРИБ БЕРИШГА ҚОДИР.

*ЭЗГУ ИШЛАРИНГИЗГА РИВОЖ, САРМОЯЛАРИНГИЗГА БАРАКОТ ТИЛАЙМИЗ.*
RD/975